

Соат воқеаси



13:04 / 05.04.2025 2081

Ота ўлимидан олдин фарзандини чақириб, қўлига бир соат берди. Бу соат 200 йил олдин ясалган, бизга у бобонгнинг боболаридан мерос. Сен буни маҳалла бошидаги соатсозга олиб бориб, сотмоқчи эканингни айт ва унинг жавобини менга олиб кел деди.

Фарзанди бориб, соатсоздан: «Бу эски соат экан, беш доллар бераман», деган жавобни олиб келди.

Ота: «Энди буни қадимий буюмлар сотиладиган жойга олиб бориб, нархлатиб кел», деди. У ерга бориб келган ўғил: «Беш минг доллар берамиз», дейишганини айтди.

Ота: «Энди буни давлат музейига олиб бор ва сотмоқчи эканингни айт», – деди. Музейга бориб келган ўғил отасига: «Музейдагилар бир мутахассисни чақиртириб, соатни текширгандан сўнг шу биргини соатга бир миллион доллар белгилашди», – деб келди.

Шунда отаси: «Болам сенга ўргатмоқчи бўлганим шуки, сенинг жойинг қадрингни тўғри билишадиган ерда бўлади. Ўзингни ноўрин жойга қўйиб, қадрингга етмасалар хафа бўлиб юрма. Қадрингни билган – қадрингга етади, шундай экан, ўзинга лойиқ бўлмаган ерда қолма!», деди.

Икром Шариф

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 4 мартдаги 03-07/1462-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.